

ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ

Darvishova Gulchehra Kenjabayevna

PhD in Philology

The University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

Аннотация: Қиролича Виктория боиқаруви остида барча соҳалар қаторида адабиёт ва адабий муҳитнинг юксалиши юз берди ва айнан бу даврда кўплаб инглиз ёзувчилари ва шоирлари етишиб чиқди. Мақолада Шарлотте Бронте ижод қилган Виктория даври инглиз адабиёти, Виктория даврининг инглиз ва жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси, ушбу давр адабиётининг ўзига хослиги, даврнинг мавзуси ва адабий ривожланиш жараёнлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: адабиёт, адабий муҳит, Виктория даври, жаҳон адабиёти, ҳисса қўшмоқ, адабий ривожланиш.

Аннотация: Среди всех областей, находившихся под властью королевы Виктории, наблюдался подъем литературы и литературной среды, и именно в этот период обучались многие английские писатели и поэты. В статье освещается английская литература викторианского периода, вклад викторианского периода в английскую и мировую литературу, своеобразие литературы этого периода, тематика периода и процессы литературного развития.

Ключевые слова: литература, литературная среда, викторианская эпоха, мировая литература, вклад, литературное развитие.

Annotation: Among all the areas under Queen Victoria's rule, there was a rise in the literary and literary milieu, and it was during this period that many English writers and poets were trained. The article outlines British literature from the Victorian period, the contribution of the Victorian period in English and world literature, the originality of the literature of this period, topics of the period and the process of literary development.

Key words: literature, literary environment, the Victorian era, world literature, contribution, literary development.

Инглиз адабиётининг муҳим даврларини қамраб оладиган, Британия империясида адабиёт равнақи билан характерланадиган, 1837-1901 йилларда тобора адабий муҳитнинг гуллаб-яшнаган даври сифатида ёдга олинадиган давр ҳисобланган Қиролича Виктория бошқаруви билан характерланадиган Виктория даври бугунги кун тадқиқотчилари учун энг долзарб адабий мавзулардан бири сифатида сақланиб қолмоқда.

“Виктория даври” атамасининг келиб чиқиши XX аср бошларига бориб тақалсада, адабиётга нисбатан ушбу термин биринчи мартаба Э.К. Стедманнинг 1876 йилда чоп этилган «Викториан поэзияси» антологиясида қўлланилиши билан кириб келган.

Адабиётшунос олимлар фикрига кўра, «Викторианизм» тушунчаси нафақат қиролича Виктория ҳукмронлигидан, балки Англия чегарасидан ҳам ташқарига чиқиб, бу ҳолат Британия учун ноёб ҳодисага айланди. Д.Фаулз таъкидлаганидек «Виктория даври маданияти Ғарбнинг барча ерларида мавжуд эди». Олимлар бунга асосий сабаб сифатида қироличанинг адабиёт ва саъатга нисбатан бўлган эътибори натижасида адабий муҳит таъсирининг кенгайиши, омма ўртасида адабиётга иштиёқнинг ошишини келтиришади

Ҳақиқатда, XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция, ўз даврининг энг катта мустамлакачи давлати ҳисобланган Голландия, Россия ва Усманийлар империясини мағлубиятга учратиб, мустамлакаларидан келадиган катта миқдордаги бойликларга “чўмилаётган” Британия империяси учун бу давр жуда катта тарихий ютуқлар асри бўлганлигини қайд этишимиз лозим. Нафақат иқтисодий, балки мамлакатнинг сиёсий ва халқаро майдондаги ўрни ва шон-шавкатли юришлари ютуқлар билан ҳамоҳанг тарзда давом этган. Ушбу даврда Британияда миллий ўзликни англаш билан боғлиқ жараёнлар шиддатли тус олганлигини ва бу ўз навбатида иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт, миллий юксалишга сабаб бўлганлиги ёзувчи ва адиблар асарларида, олимлар адабиётларида ўз аксини топган. Келтириб ўтганимиздек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт нафақат мамлакатнинг гуллаб яшнашига, маданият ва адабиётнинг юксалишига, балки жамиятда вужудга келадиган турли ихтилофларни, ижтимоий емирилишларни, зиддиятларнинг олдини олишда ҳам катта аҳамият касб этган эди.

Бу давр Қиролича Викториянинг Британия тахтини бошқарган даврга тўғри келганлиги юқоридаги параграфларда таҳлил этилди. Виктория даврининг парадокслиги шунда эдики, бу даврда бир вақтнинг ўзида дуювийлик ва диний қарашлар тўқнашуви кучайган. Олимлар, ёзувчию, мутафаккирлар дунёвийликни тарғиб қилишларига қарамасдан, мамлакатда диний

қарашларнинг ўрни тобора мустақамланиб борар, бунга асосан руҳонийлар ва тахт ворисларининг таъсири кучли эди. Ёш олимлар, замонавий фикрловчилар дунёвийликни тарғиб қилсаларда, диний догма тарафдорлари, руҳонийлар ва диндорлар табиий фанлар, тиббиёт, фалакиёт, физика ва бошқа дунёвий илмларга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатар, аҳоли орасида уларга нисбатан салбий фикрларни намоён қилар эди.

Энг ёмони, бир томонда олимлар жамият ва давлатни, инсон руҳини черков таъсиридан озод қилиш лозимлигини, инсоният бир вақтда ҳам черковга ва илмга хизмат қилиши мумкин эмаслигини уқтиришга ҳаракат қилсалар, иккинчи томонда диний қарашлар ҳимоячилари доим уларга қарши кенг курашни авж олдираддилар

Масаланинг нозиклиги ҳам шунда эдики, қиролича Виктория ўз ҳокимиятини мустақамлаш ва жамият барқарорлигини сақлаш учун черков томонида туришга мажбур эди. Бундай вазиятда илм аҳлининг ҳимоячиси фақатгина маълум бир қисм маърифат тарафдорлари бўлди. Кучлар мувозанатининг тенг эмаслиги, мамлакатдаги юзлаб қобилиятли адиб, ёзувчи ва мутафаккир олимларнинг барвақт сўнишига ёки руҳонийлар шартларига бўйсинишларига мажбур қилар эди. Бундан фойдаланган Черков кўпсонли диний муассасалар, таълим даргоҳлари ташкил қилар, уларни диний таълимга муккасидан кетган талабалар билан тўлдириб, диндорлар сонини бир неча минг баробарга оширишга эришган.

Даврнинг мураккаблиги, замоннинг ўта бешафқатлиги, аристократиянинг трансформациялашув жараёнлари, феодализмга барҳам берилиши ва янги буржуазия вакилларининг вужудга келиши натижасида мамлакатдаги аҳвол янада чигаллашди.

Мавзунинг мантикий давоми сифатида XIX асрда инглиз адабиётига назар ташласак, Инсоният тақдирида тамомила янги давр ҳисобланган XIX аср нафақат табиий фанларда, балки ижтимоий – гуманитар фанлар ва санъатда ҳам инқилоб ясади. Ушбу даврда инглиз адабиётида ижтимоий реал ҳаётини воқеаларни акс еттирувчи романлар асосий етакчи ўрин тутди.

Бадий адабиётда етакчилик қилган ижодкор адиблар инсон тақдири ва унинг поэтик тасвирида мўъжиза яратдилар. Виктория даврининг энг машғур ёзувчилари Англия адабиётида ўзига хос мактаб яратган Чарльз Диккенс, Уильям Мейкпис Теккерея, Томас Карлейл, опа-сингил Бронтелар, Элизабет Гаскелл, Джордж Элиот, Томас Гарди, Оскар Уайльдлар ўзларининг дурдона асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасини бойитди. Уларнинг асарларида

Англия жамиятининг турли муносабатларида яшаётган одамлар тақдири, ҳаёти, орзу-умидлари ва ўй-фикрлари ўз аксини топган.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, адиблар ўзларининг шоҳ асарлари билан инглиз адабиёти хазинасини бойитишга муваффақ бўлишди. Ёзувчилар ижодида образлар характери, қаҳрамонлар тизимининг таҳлилини амалга ошириш учун қатор образлар, характерлар ва типларнинг яратилиш тарихи ҳамда уларнинг герменевтик шаклланиш имкониятларини таснифлаштириш намоён бўлган.

Улар даврнинг мураккабликлари ва зиддиятларига қарамасдан ўзларининг самарали ижодларини кўрсата олдилар ҳамда омма орасида, адабиётшунослар даврасида катта эҳтиромга сазовор бўлдилар. Ёзувчилар яратган асарларда юқори аҳлоқ талабларга бўлган муносабат акс этиб тобора илгарилаб бораётган тараққиётнинг ёрқин келажакни олиб келишига нисбатан шубҳа билан қараш, мамлакатнинг эртанги куни шиддатли тараққиёт билан эмас, балки олдинги “оққўнгил қадимий Англия” билангина чароғон бўлиши кенг ёритилар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ширинова, Нилуфар Джаббаровна. "Предметность и качество: от синкретности к дискретности." Филологические науки. Вопросы теории и практики 2 (2010): 198-201.
2. Shirinova, Nilufar Djabbarovna, Shirinova, Nargiza Djabbarovna LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR // ORIENSS. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10.2023).
3. Sheremetyeva, Anna, et al. "Word-Forming Bases and their Variability (on the Material of the Russian language)." International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24.2 (2020): 338-349.
4. Атаева, Рануша Рашидовна. "Структурное своеобразие русских поливершинных словообразовательных гнезд асимметричного типа." Вестник Челябинского государственного университета 6 (428) (2019): 23-31.
5. АТАЕВА, Рануша Рашидовна. "Словообразовательное гнездо как комплексная единица словообразовательной системы русского языка." Иностранные языки в Узбекистане 1 (2019): 33-45.

6. Атаева Р. Р. ВОПРОСУ О ПОЛИВЕРШИННЫХ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ГНЕЗДАХ РУССКОМ ЯЗЫКЕ //XIV Виноградовские чтения. – 2018. – С. 25-27.
7. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "USING VIDEOS IN EFL LESSONS." Journal of new century innovations 25.3 (2023): 91-93.
8. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна ШАРЛОТТА БРОНТЕ АСАРЛАРИДА БАДИЙ МАҲОРАТ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-ma-orat> (дата обращения: 10.10.2023).
9. Магдиева С. С., Латипов О. Ж. Русский язык //Методическое руководство для учителей лицеев и колледжей по всем направлениям специальности. – 2012.
10. Nasimovich, Radjabov Nasir. "ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАР ДИСТРИБУЦИЯСИ." JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH 5.4 (2022): 117-120.
11. Раджабов, Насир Насимович ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН КЎРИНИШЛАРИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarning-pozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10.2023).
12. Anvarovich, Mavlonov Otabek, and Radjabov Nasir Nasimovich. "Reciprocal Study of Theology and Linguistics in Uzbekistan." International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24.09 (2020).
13. Radjabov N. N. REDUCTION IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES //Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.
14. Туйчибаева, Ш. Ш. "Семантика фразеологических оборотов в русском и узбекском языках." Хорезмской академии Маъмуна 6/3 (2022): 90.
15. Туйчибаева, Шахноза Шакировна. "Методика работы над текстами в практическом курсе русского языка студентов национальных групп технических вузов." (1994).
16. Умарова, Ф. З. "МЕТОДИЧЕСКАЯ РАЗРАБОТКА ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА ТЕМУ «НАРЕЧИЕ. РАЗРЯДЫ НАРЕЧИЙ»." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 18.1 (2023): 34-40.
17. Умарова, Ф. З. "КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА." Oriental renaissance:

- Innovative, educational, natural and social sciences 2.Special Issue 28 (2022): 429-434.
18. Умарова, Фарида Зикириллаевна. "РОЛЬ РЕФЛЕКСИИ В РАЗВИТИИ ЛИНГВОКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ." Academic research in educational sciences 2.6 (2021): 63-68.
 19. Ширинова, Наргиза. "ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА "ФАОЛЛИК" ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ." Talqin va tadqiqotlar 1.8 (2023).
 20. Djabarovna, Shirinova Nargiza. "Synonymous pairs of lexical units." ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11.2 (2021): 910-913.
 21. Shirinova, Nargiza. "USING GAMES IN TEACHING ENGLISH VOCABULARY FOR STUDENTS OF ENGINEERING." Irrigatsiya va Melioratsiya 3 (2018): 89-92.
 22. Еркаев, Элмирза. "Таржимани ўргатишда лингводидактик ёндашув." Общество и инновации 2.3 (2021): 120-124.
 23. Элмирза Еркаев Лингводидактический подход в обучении переводу // ОИИ. 2021. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lingvodidakticheskiy-podhod-v-obuchenii-perevodu> (дата обращения: 10.10.2023).
 24. Хайдаровна, Rashidova Munavvar. "Sociolinguistic competence as the main component of intercultural communicative competence." EPRA International Journal of multidisciplinary Research 7.3 (2021): 4-6.
 25. Хайдаровна, Rashidova Munavvar, and Namozova Dilnoza Berdimurotovna. "Teaching technical subjects through English." Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: даврий анжуманлар 10 (2022).
 26. Akhmedov, Doniyor A., et al. "Simulation of the effect of turning steering wheel intensity on the vehicle stability." International journal of recent technology and engineering (IJRTE) 9.2 (2020): 242-247.
 27. Булычёва, Маргарита Фаритовна. "Система использования наглядности в условиях краткосрочных форм обучения [начальный этап]." Вестник науки и образования 24-1 (102) (2020): 71-76.